

САЛОҲИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Сурайё Салоҳиддин қизи ШОДИЕВА

таянч докторант

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

surayyoshodiyeva92@gmail.com

Аннотация

Мақолада Салоҳиддин Салоҳий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи ҳақида маълумотлар келтирилади. Турли олимлар томонидан қайд этилган мунозарали фикрларга аниқ далиллар асосида муносабат билдирилади. Шоир ижоди босқичма-босқич ўрганилган ҳолда унинг ижодий камолотига баҳо берилади.

Таянч сўзлар: Салоҳий, тазкира, ўзбек тили, тожик тили ва араб тили, сели сонайн ижодкор, дoston, “Булбул ва гул”, “Юсуф ва Зулайхо”, Жомий, Лutfий, традиция.

ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВА САЛАХИ

Сурайя Салахиддин кизи ШОДИЕВА

Базовый докторант

Каршинский государственный университет

Карши, Узбекистан

surayyoshodiyeva92@gmail.com

Аннотация

В данной статье содержится информация об истории изучения жизни и творчества Салахиддина Салахи. Спорные мнения, отмеченные разными учеными, трактуются на основе доказательств. Поэтапно изучается творчество поэта и раскрывается его творческое мастерство.

Ключевые слова: Салахи, тазкира, узбекский язык, таджикский язык и арабский язык, известный художник, эпос, «Соловей и цветок», «Юсуф и Зулайхо», Джамии, Лютфи, традиция.

XVIII асрда Туркистон халқлари маданияти, санъати, маънавий ҳаёти, асосан, мустақил уч хонлик худудида ривожланди. Адабий ҳаёт уч хонлик доирасида ижтимоий-тарихий шароитга қараб, гоҳ силжишда, гоҳ турғунликда, гоҳ таназзулда бўлиб турди. Шунга қарамасдан, ушбу даврда буюк ижодкорлар етишиб чиққан. Хива ва Қўқон хонлигидан фарқли ўлароқ, Бухоро амирлигида адабий жараён анча қийин кечгани тарихдан маълум. Бу биринчи ўринда ўша даврда Бухоро адабий муҳитига ҳомийлик қилувчи ва адабиётни кадрловчи ҳукмдорларнинг йўқлиги билан изоҳланиши, шубҳасиз. Шундай бўлса-да, Бухоро амирлигига қирувчи

худудларда ўзига хос адабий муҳитлар шаклланди. Улардан бири Қашқадарё адабий муҳити эди.

Ушбу муҳитда яратилган бадиий ва илмий адабиётлар XVIII аср тарихини, яъни халқнинг ўша даврдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётини ақс эттириб, халқ манфаатларини ҳимоя қилган. Сайидо Насафий, Ломей Насафий, Озари Насафий, Сайидхўжа Насафий, Нурмуҳаммад Насафий, Неъматуллоҳ Қамашигийлар мазкур даврнинг таниқли ижодкорлари бўлишган. Юқорида номлари тилга олинган ижод аҳли орасида Салоҳиддин Салоҳийни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Адабиётларда Салоҳиддин Салоҳий ҳаёти ва ижоди ҳақида ниҳоятда кам маълумот келтирилган.

XVIII-XIX аср адабиёти тарихида “Салоҳий” таҳаллуси остида қалам тебратган бир нечта ижодкорлар етишиб чиққан. Биз, аввало, тадқиқот объектими ҳисобланган Салоҳиддин Салоҳий билан яна худди шу таҳаллус остида ижод қилган ижодкорларни бир-биридан фарқлашимиз зарур. Шундай шоирлардан бири Каттақўрғонлик Салоҳийдир. Ҳар иккала Салоҳийлар ҳам Бухоро адабий муҳити намоёндалари бўлишган. Қашқадарё адабий муҳитининг типик вакилларида бири бўлмиш Салоҳиддин Салоҳий XVIII асрда Қаршида яшаб ижод этган бўлса, иккинчи Салоҳий асли Самарқанднинг Каттақўрғонида таваллуд топган ҳамда у Каттақўрғон адабий муҳити вакили қаторига мансуб бўлган.

Адабиётшунос олим П.Қаюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” асарида каттақўрғонлик Салоҳий ҳақида маълумот келтирилган бўлиб, у шоирни Салоҳий II деб номлаган. Юқорида номи тилга олинган тазкирада Салоҳий II тўғрисида шундай фикрлар келтирилган: “Бу киши Самарқанд шахрининг шарқида бўлмиш Катта Қўрғон атроф қишлоқларидан бўлиб Катта Қўрғонда нашъу намо этмиш. Бу кишининг 1915 йилда чиқарилган “Баёзи маҳаллий”да икки-учта ғазаллари бордур. Бундан 50 йиллар олдин ҳаёт экани кўринадур”.

[14;445]

Адабиётшунос Р.Орзибеков “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида каттакўрғонлик Салоҳий ҳақида қуйидагиларни қайд этиб ўтган: “XIX асрнинг II ярми ва XX асрда яшаб, ижод этган, ҳассос шоирлар (Мирий, Ноқис, Аҳқар, Маҳдий, Видоий, Салимий, Салоҳий, Ножий...) Шавқий ижодидан баҳраманд бўлганлар” [4].

Озарбайжонлик адабиётшунос П.Макулунинг “эдэби маълумот жэдвэли” асарида келтирилишича, XVIII асрдаёқ Туркияда яна бир Салоҳий тахаллусли шоир борлиги ҳақида айтиб ўтган.

“Насаф ва Кеш алломалари” деб номланган тазкира муаллифи Н.Муҳаммаднинг таъкидлашича, Салоҳиддин Салоҳий ҳақидаги дастлабки маълумот Салоҳий билан замондош бўлган, XVIII аср ўрталарида Қаршида яшаб, ижод этган олим ва шоир Нурмуҳаммад Насафийнинг “Мазҳар ул-мусаннифин” тазкирасида келтирилган. Хусусан, Нурмуҳаммад Насафий мазкур тазкирасида Салоҳий ўзбек тилида “Гул ва булбул” ҳамда тожик тилида “Юсуф ва Зулайҳо” дostonлари яратганлигини айтиб ўтган.

1759 йил Қарши шаҳрида яратилган “Мазҳар ул-мусаннифин”да Бухоро амирлиги ҳудудларида кечган тарихий воқеаларнинг баёни билан бирга бухоролик, самарқандлик, қаршилиқ шоир, олим, адиблар ҳақида ҳам сўзланиб, уларнинг касб-кори, шахсияти, бадий ижод соҳасидаги иқтидори ҳақида маълумотлар келтирилади. Уларнинг ижод қилишдаги қобилиятлари ҳам муносиб баҳоланган. Бироқ биринчи бўлиб мазкур тазкира ҳақида фикр юритилган В.Абдуллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи”, кейинчалик эса мустақиллик йилларида нашр этилган П.Равшановнинг “Қашқадарё тарихи” китобларида Салоҳиддин Салоҳийнинг номини учратмаймиз.

Бу фикримизнинг тасдиғини 1978 йил “Фан” нашриётида чоп этилган 5 томлик “Ўзбек адабиёти тарихи” тўпламининг 3-томида (150-саҳифа) келтирилган қуйидаги фикрлар орқали исботласак бўлади: “Муҳаммад Амин бин Нурмуҳаммад Насафий балки Мутрибий ва Малехо сингари шаҳарма-шаҳар кезолмаган, замондошлари билан таниш бўлмагандир. Йўқса тазкира 1758-1759 йилларда ёзилади-ю, нега унда тазкирадан 18 йил илгари – 1740

йилда ўзбек тилида ёзилган Салоҳиддин Салоҳийнинг “Гул ва булбул” достони ҳақида ҳам сўз юритилмай ёки шу муаллиф томонидан 1753 йилда, тазкирадан 5-6 йил илгари тожик тилида ёзилган “Юсуф ва Зулайҳо” достони ҳақида ҳеч нарса дейилмайди”.

Юқоридаги манбалар асосида, фақатгина Н.Муҳаммаднинг китобидаги маълумотга таянган ҳолда Салоҳиддин Салоҳий ҳақидаги илк манба “Мазҳар ул-мусаннифин” тазкираси дея олмаймиз. Чунки Н.Муҳаммад мазкур тазкиранинг қаерда сақланишини айтиб ўтмаган. У ушбу маълумотни на Нурмуҳаммад Насафий ҳақида тўхталганда, на Салоҳиддин Салоҳий ҳаёти ва ижодини ёритганда келтириб ўтмаган. Академик В.Абдуллаев ҳам, олим П.Равшанов ҳам юқорида номлари келтирилган китобларида “Мазҳар ул-мусаннифин” тазкирасининг қаерда сақланишини эслатиб ўтмаган. Афсуски, ушбу тазкирани излашимиз жараёнида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар бўлиmidан ҳам, Самарқанд давлат университетининг Асосий кутубхонасидан ҳам топилмади.

Салоҳиддин Салоҳийдан бизгача бир нечта асар етиб келган. Жумладан, Салоҳийнинг Муҳаммад Раҳимга бағишланган битта қасидаси ва 2 та достони мавжуд. Қасида Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик бўлимининг қўлёзмалар фондида 2395 рақамли инвентар билан сақланмоқда. Мазкур қасида Салоҳийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” асари тугаганидан сўнг, китобнинг охирида келтирилган. “Юсуф ва Зулайҳо” асарининг қуйидаги сатрларида Муҳаммад Раҳим ҳақидаги мадҳия ҳам келтирилган:

*Раиятпарвари олий нишоне,
Амири хусрави соҳибқироне.
Валинеъмату бахшандаи тож,
Зи мулки душманон гирандаи бож.
Муҳаммад уммату мазлумпарвар,
Раҳими хастагони бесару бар.
Ҳакиму олиму одил падарвор,*

Аз ў розию бо чаддаш худо ёр [2;279-280].

Ижодининг гултожи ҳисобланган ушбу асарларни ёзишда шоир, аввало, ўзидан олдинги буюк сиймоларнинг асарларини яхши билганлигини “Юсуф ва Зулайҳо” асарининг “Дар баёни эҳром ба нишони ин китобки сабаби таълифи ў ихтиёри ўст” бобида қуйидаги мисраларда баён этган:

*Гузар ас можарои ҳар каму кост,
Зи маъшуқону ошиқони норост.
Ба дарку фаҳми худ мапсанд майле,
Хаёли қиссаи “Мажнуну Лайли”.
Бувад “Узрову Вомиқ” эътиборот,
“Гадову шаҳ” бувад таътили авқот.
Таламмузкори “Ширину Фарҳод”,
Бувад дарди сари шогирду устод.
Гувоҳи медиҳад ҳар пиру барно,
Ба сидқи қиссаи “Юсуф Зулайҳо”.
Худои лам язил ин қисса дар фан,
Зи ахбороти дигар хонд аҳсан [2;281]*

Салоҳий форс-тожик адабиётнинг кўзга кўринган энг машҳур вакилларида хисобланмиш Фирдавсий, Саъдий, Анварий, Аттор, Абдурахмон Жомий, Хожа Кирмоний, Имло, Низомий каби сиймоларнинг ижодларидан яхши хабардор бўлган.

*Бикун дар даҳ яке ҳамчун Низоми...
Чу Саъдий иқтидорам деҳ ба гуфтор...
Камомам хуш мазоқ аз ангубин кун,
Чу Фирдавсий маро балонишин кун.
Дилам чун Анвори гардон пур аз нур,
Чу Хожа кун зи Кирмони лаҳад дур.
Димоги тўтии табъам чу Аттор,
Намо хушбўтар аз сад мушки тотор...
Яқини деҳ ба тавҳидат чу Имло,*

Ба жуз ҳамдат насозам ҳеч иншо [2;282].

Салоҳий ўз замонасининг ҳар жиҳатдан билимли зиёлиси, илғор фикрли селисонайн (уч тилли) шоири сифатида шуҳрат қозонган. Юқорида таъкидлангандек, “Гул ва булбул” ўзбек тилида, “Юсуф ва Зулайҳо” достони эса тожик тилида яратилган. Учинчи тил бу – араб тили. Салоҳийнинг “Гул ва булбул” достони 732 байтдан иборат бўлиб, охириги 731-bayti tojikcha, 732-bayti эса арабчада ёзилган.

*Бубар эй Сабо наёми,
Ба кулл аз забони Булбул [7;732].
Фала ана саалат ғанни,
Фаламмо роайтани кул [7;732].*

Салоҳийнинг “Гул ва Булбул” достонидаги айрим парчалар Олим Шарафиддинов томонидан 1945 йилда тузилган “Ўзбек адабиёти хрестоматияси”да келтирилган. Кейинчалик эса 1959 йилда нашр этилган 4 томлик “Ўзбек адабиёти” тўпламининг 3-томида ҳам юқоридаги хрестоматияда берилган парча қайта нашр қилинган.

Салоҳий “Гул ва Булбул” достонини Лутфийнинг “Гул ва Наврўз” достонидан илҳомланган ҳолда яратган (мумтоз адабиётимизда “Гул ва Наврўз” достонининг муаллифи Ҳайдар Хоразмий эканлиги исботлангунига қадар Мавлоно Лутфийнинг достони сифатида қаралган). Адабиётшунос олим С.Эркиновнинг Мавлоно Лутфий ҳаёти ва ижодига бағишланган “Лутфий” номли монографиясида “Гул ва Наврўз” достони ва ундан илҳомланиб яратилган асарлар борасида фикр юритилар экан, мана шу ўринда Салоҳийнинг “Гул ва булбул” достонига ҳам қисқача тўхтаб ўтилган: “Лутфий достонининг излари Салоҳийнинг 1740 йилда ёзилган “Гул ва булбул” достонида ҳам кўзга ташланади. Тематика ва образлар жиҳатидан бир-бирига яқин турган бундай асарларни қиёсий ўрганиш, шубҳасиз, талайгина қизиқарли материалларга эга бўлиш имконини беради” [10].

Академик Б.Валихўжаевнинг қайд этишича, Салоҳий иккинчи йирик достони ҳисобланмиш “Юсуф ва Зулайҳо”ни ёзаётганда Абдурахмон

Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо”сидан таъсирланганлигини таъкидлаб, ундан маънавий мадад истайди (Талаб аз Мавлави Жомий иноят), унинг услубида асар ёзишга ҳаракат қилади (Ба гуфторам баёни Мавлави деҳ) [2;282].

Бу эса Салоҳийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достонида қуйидагича ифодаланган:

*Худои лам язил ин қисса дар фан,
Зи ахбороти дигар хонд аҳсан.
Бу ҳам дар бандаги содиқбаён шав,
Ба кунжи рости соҳибнишон шав.
Макун дар ганжи ин маъни хиёнат,
Талаб аз мавлави Жоми иноят...
Насими файзи ў бахшад ба корат,
Умед аст он ки бикшоёд баҳорат.
Ба фарри давлати пири Низоми,
Магар ин нусхаат ёбад низоме.
Биёрсад таолоро жамоле,
Наёрад табъи сомеъро малоле...
Ба жоми дил шароби маънави деҳ,
Ба гуфторам баёни Мавлави деҳ [8;47].*

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, Салоҳиддин Салоҳий ижодини ўрганишда муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, бугунги кунда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Салоҳий ҳаёти ва ижодини муайян далиллар, қўлёзмалар асосида ўрганишни давом эттириш, асарларини нашр эттириш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Шундай қилиб, Салоҳиддин Салоҳий ҳаёти ва ижодининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида О.Шарафиддинов, В.Абдуллаев, С.Эркинов, Б.Валихўжаев, П.Равшанов, Н.Мухаммад каби адабиётшунослар ўз асарларида алоҳида фикр билдирганликлари Салоҳийнинг Қашқадарё адабий муҳитида ўз ўрни ва услубига эга ижодкор эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи (2-китоб). – Тошкент: Ўқитувчи, 1964. – 384 б.
2. Валихўжаев Б. Ўзбек классик адабиётида эпик поэзиянинг тараққиёти тарихидан: филол. фан. д-ри ... дисс. – Самарқанд: СамПИ, 1967. – 310 б.
3. Муҳаммад, Носир. Насаф ва Кеш алломалари (IX-XX асрлар). – Тошкент: Гафур Гулом, 2006. – 128 б.
4. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи (XVII-XIX (I ярми) асрлар). – Тошкент: Адабиёт, 2006. – 272 б.
5. Равшанов П. Қарши тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 647 б.
6. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: Фан, 1995. – 784 б.
7. Салохий. Гул ва булбул тасвири. ЎзФАШБ, тошбосма инв 577.
8. Салохий. Юсуф ва Зулайхо. ЎзФАШБ, қўлёзма инв 9691
9. Форсча – ўзбекча ўқув луғати. 2-нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 232 б.
10. Эркинов С. Лутфий. – Тошкент: Фан, 1965. – 128 б.
11. Ўзбек адабиёти хрестоматияси (XV–XIX асрлар). – Тошкент: Фан, 1945. – 524 б.
12. Ўзбек адабиёти. 4 томлик. III том. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – 800 б.
13. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1953. – 454 б.
14. Қаюмов П. Тазкираи Қайюмий. – Тошкент: Фан, 1998. – 714 б.